BIZNES DAILY

Экономическая газета

# Биржа

Иқтисодий газетаси

#54(2937)
14.07.2022

www.biznes-daily.uz

# Энергетика соҳасидаги йирик лойиҳалар кўриб чиқилди



**Президент Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда энергетика соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларга оид тақдимот билан танишди.**

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди, мамлакатимизда 45 та янги қўшма корхона ташкил этилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўплаб иқтисодиёт тармоқларини қамраб олган. Шулардан энг муҳимларидан бири энергетикадир.

Ўтган йили Навоий вилоятида юртимиздаги биринчи қуёш электр станцияси айнан Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган эди. Бугунги кунда у бир кеча-кундузда 1 миллион 180 минг киловатт соат электр энергияси етказиб бермоқда.

Бу соҳада яна 5 та йирик лойиҳани амалга ошириш келишилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларни ташкил этади. Хусусан, “Mubadala” ва “Taqa” компаниялари билан ҳамкорликда Талимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлаштириш ва қувватини ошириш, “Masdar” компанияси билан Навоий вилоятида шамол, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қуёш электр станцияларини қуриш мўлжалланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилдан Бирлашган Араб Амирликлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Йиғилишда энергетика соҳасидаги лойиҳалар ижроси ана шу тизим асосида кўриб чиқилди.

Мутасаддилар лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати ва йил якунигача мўлжалланган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар энергетика тизими барқарорлигига ҳамда иқтисодиёт тармоқларига инвестиция оқими янада кўпайишига замин яратишини таъкидлади.

Талимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлаштириш ҳақида сўз борар экан, бу лойиҳа иссиқлик электр станцияларини бошқариш ва энергия ишлаб чиқаришда намунавий бўлиши кераклиги қайд этилди.

“Masdar” компанияси билан қайта тикланувчи энергетика соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар 2030 йилгача мамлакатимизда “яшил энергетика” улушини 25 фоизга етказишда муҳим қадам бўлади. Шу боис, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича зарур битим ва ҳужжатлар имзолашни тезлаштириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

# Давлат бюджети ижроси қандай қолатда?

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатининг ўзгартирилиши, иқтисодиёт соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши давлат бюджети даромадларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.**

Буни парламент юқори палатасининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида тақдим этилган ҳисоботдан кўриш мумкин. Масалан, давлат бюджети даромадлари ҳажми 2021 йилда олдинги йилга нисбатан деярли 32 трлн. сўмга ўсган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам бундай суръат сақланиб, бюджет даромадлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 трлн. сўмга кўпайган.

Шундай бўлса-да, мазкур ҳисобот ялпи мажлисда танқидий тарзда кўриб чиқилди. Бунга эса парламент назорати доирасида қўмитамиз ва Сенат девонининг Давлат бюджети ва ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси томонидан давлат бюджети ижроси вазирлик ва идоралар, шунингдек, Бухоро, Жиззах, Наманган ва Фарғона вилоятларида жойига чиққан ҳолда ўрганилгани асос бўлди. Чунки, бу жараёнда бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш йўналишида бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди. Хусусан, 2021 йилда айланмадан олинадиган солиқ тушумлари ўтган йилга нисбатан 21,8 фоизга ошган бўлса-да, лекин 2020 йил билан солиштирганда республикамизнинг 52 та туман ва шаҳарида мазкур солиқ тушумлари камайган. Айниқса, бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган 7133 та молиявий назорат тадбирининг 5380 тасида молиявий хато-камчиликлар кўзга ташланган. Бу масалада ҳар йили чора-тадбирлар белгиланишига қарамасдан 122,8 млрд. сўмлик камомад ва ўзлаштиришлар, 949,3 млрд. сўмлик ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар ҳамда бошқа мақсадсиз харажатларга йўл қўйилган. Ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2021 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари ташқи аудитдан ўтказилганда ҳам қатор камчиликларга дуч келинган. Жумладан, бюджетга боқиманда қарздорлик 2020 йилга нисбатан 1,7 бараварга ошган ва 3 трлн. 55 млрд. сўмни ташкил қилган. Мисол учун, Навоий вилоятида 2 баравар, Самарқанд вилоятида 1,8 баравар, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида 1,7 бараваргача ўсган. Ачинарлиси, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзи 3,5 бараваргача ортган.

*Давоми 2-бетда.*

"COOPERATION. UZ" ЭЛЕКТРОН КООПЕРАЦИЯ ПОРТАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ 2

ЭКСПОРТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА? 3

ВНИМАНИЕ РАЗВИТИЮ СЕЛЬСКИХ РАЙОНОВ 7

ПОПОЛНЕНИЕ В СПИСКЕ ЮНЕСКО 8

Курс валют на 14.07.2022

| | |
|---|---|
| USD | 10935.19 |
| EUR | 10975.65 |
| RUB | 187.17 |
| CNY | 1626.27 |

# "Cooperation.uz" электрон кооперация портали такомиллаштирилади

**Бугунги кунда ишлаб чиқаришда ҳам, товарлар ва хизматларни сотишда ҳам рақамли технологияларга асосланган муносабатларга ўтиш иқтисодий тараққиётнинг муҳим механизми, уларни тарғиб қилишнинг замонавий воситаси ҳисобланади.**

Электрон кооперация портали айнан шундай тамойилга хос махсус савдо майдончаси бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, кичик бизнес субъектларини саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида яратилган.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда унинг ҳузуридаги Рақамли трансформация маркази томонидан ташкил этилган очиқ мулоқотда ушбу портал орқали корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Унда йирик корхоналар, кичик бизнес субъектлари вакиллари, тадбиркорлар ва мутахассислар иштирок этишди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Азиз Воитов ўз сўзида мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда мазкур портал фаолиятининг ўрнига тўхталиб ўтди. Қайд этилганидек, портал маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ва давлат буюртмачилари – бюджет ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар ўртасида битимлар тузилишини таъминлашга хизмат қилади. У маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни сотиш ҳамда сотиб олиш имкониятини беради. Унда хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, мижозлар ва етказиб берувчилар ўртасида шартномалар тузиш ҳамда тўловларни амалга оширишда муносабатлар эркинлиги ва ошкоралигига қаратилган механизм жорий этилган. Порталга юклатилган вазифалар республикамизда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг турлари, техник хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида барча манфаатдор доираларни хабардор қилиш, порталда тузилган шартномаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш, шунингдек, маҳаллий хом ашё асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришда саноат кооперациясининг роли ва аҳамиятини ошириш бўйича таклифлар тайёрлашдан ҳам иборат. Порталда рўйхатдан ўтган фаол корхоналарнинг рейтингини юритиш ва ким ошди савдосида тузилган шартномаларнинг бажарилиш ҳолатини назорат қилиш вазифаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда ушбу портал имкониятларини янада кенгайтириш, фаолиятини такомиллаштириш ва уни улкан савдо майдончасига айлантириш, йирик корхоналар томонидан маҳаллий маҳсулотларни сотиб олиш миқёсини оширишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

Рақамли трансформация маркази директори Шерзод Содиқовнинг таъкидлашича, портал статистика, божхона, сертификатлаштириш, солиқ, молия ва бошқа идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базалари билан ҳамкорликдаги яхлит фаолиятни амалга оширади. Порталда импорт ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар турлари ҳамда ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади, юқори талаби ва ишлаб чиқаришга тавсия этиладиган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар рўйхати жойлаштириб борилади. Унда эркин рақобат ва харидорлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги нархларнинг шаффофлиги тамойиллари асосида электрон савдони ташкил қилиш ва электрон шартномаларни имзолаш механизми мавжуд. Порталда рўйхатдан ўтган фаол корхоналарнинг рейтинги юритилади ва ким ошди савдосида тузилган шартномаларнинг бажарилиш ҳолати назорат қилинади. Ҳозирги вақтга келиб порталда 93 мингдан ортиқ иштирокчи, шу жумладан, 87 мингта етказиб берувчи ва 21 мингдан ортиқ буюртмачи рўйхатдан ўтган, 15 мингга яқин иштирокчи бир вақтнинг ўзида ҳам етказиб берувчи, ҳам буюртмачи вазифаларини бажаради. Портал ташкил этилганидан буён товар айланмаси 22,7 трлн. сўмдан, 2021 йилда эса 11,5 трлн. сўмдан ошди. 2022 йилнинг январь-июнь ойларида бу кўрсаткич 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 26,1 фоизга ўсган ва 5,4 трлн. сўмни ташкил этган. Ўтган йили 12599 та, жорий йилнинг 6 ойида 19101 та шартнома имзоланган. Улар асосан кимё, машина ва ускуналар, электротехника, металлургия, тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларини қамраб олган.

Тадбир давомида портал фаолиятини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб турган айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланаётганига эътибор қаратилди. Масалан, корхоналарнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тоифасига киришини аниқ белгиловчи мезон мавжуд эмас. Ушбу муаммони бартараф этиш учун етказиб берувчиларнинг савдога кириши бўйича янги тамойиллар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, савдодаги функцияларда чекловлар кузатилмоқда. Яъни, ҳозирги пайтда савдо ғолибини аниқлашда энг паст нарх бўйича етказиб берувчининг ишончлилиги ва товарларнинг сифат хусусиятлари инобатга олинган принцип амал қилаяпти деб бўлмайди. Шунинг учун харидларнинг янги усулларини жорий қилиш таклифи илгари сурилмоқда. Савдо жараёнларининг шаффофлик даражаси ҳам етарлича эмас. Масалан, ТИФ ТН кодларини нотўғри қўллаш ҳолатлари рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис нархни сўрашда 10 та белги ўрнига товарлар гуруҳи бўйича тўртта белгидан иборат ТИФ ТН кодини жўнатишни жорий этиш кузда тутилмоқда. Буюртмачилар ва мижозлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича алоҳида бўлинма ҳам тузилмоқда.

Мутасаддилар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг "Cooperation.uz" электрон кооперация портали савдоларида иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирларига оид қарор лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланиб, ушбу лойиҳанинг мазмуни, кузда тутилаётган янги механизмлар билан таништирилди.

Шу билан бирга электрон кооперация портали тизимини қандай қилиб янада яхшилаш бўйича ушбу порталдан фойдаланувчилар фикрини билиш мақсадида уларнинг ҳар бирига сўз берилди. Хусусан, тадбирда бевосита ҳамда онлайн тарзда иштирок этган Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Андижон, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоятларида фаолият юритаётган йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари томонидан энг аввало мазкур портал керакли ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри ишлаш, зарур маҳсулотларни топиш имкониятини бераётганини таъкидлашди. Шу билан бирга, ушбу тизимда ишлаш чоғида кузатилаётган муаммо ва камчиликлардан келиб чиқиб, портални ҳар томонлама, шу жумладан, техник жиҳатдан тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор долзарб таклиф-тавсиялар ўртага ташланди.

**Замира ТОЖИЕВА.**

# Давлат бюджети ижроси қандай ҳолатда?

*Бошланиши 1-бетда.*

Бюджетга ортиқча тўланган солиқлар миқдори ўтган йилга нисбатан 70,1 фоизга қисқарган бўлса-да, умумий қарздорлик ҳамон юқорилигича қолган. Ортиқча тўланган солиқлар Тошкент шаҳрида 46 млрд. 300 млн. сўм, Фарғона вилоятида 10 млрд. 400 млн сўм, Тошкент вилоятида 10 млрд. сўмдан иборат. Ўз навбатида, жорий йилнинг 1 январь ҳолати бўйича 627 млрд. 900 млн. сўмлик ортиқча (нотўғри) солиқ тўловлари ғазначилик органлари томонидан белгиланган муддатларда қайтарилмаган. Бунинг оқибатида маҳаллий бюджетларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳажми 88,0 млрд. сўмга ёки шакланган қўшимча даромаднинг 2,1 фоизи миқдорида ортиқча бажарилишига йўл қўйилган. Биргина Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадлар қисмида ўз вақтида қайтарилмаган тўловлар 17,0 млрд. сўмни ёки 7,9 фоизни ташкил қилган.

Давлат харидларида етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида давлат буюртмачилари томонидан харидларнинг рақобатли усулларини четлаб ўтган ҳолда қонунчиликка зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, юқори нархларда харидларни амалга ошириш, белгиланган тартибда ҳужжатларни экспертизадан ўтказмаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Наманган вилоятида "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунга риоя қилинмаган ҳолда 2021 йилда жами 26,7 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган. Фарғона вилоятида ўтган йили қарийб 25 млрд. сўмлик харидларда қонун талаблари бузилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам 17,6 млрд. сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Масала муҳокамаси чоғида алоҳида тилга олинганидек, давлат харидлари йўналишидаги корпоратив буюртмачиларнинг электрон кооперация портали ҳамда махсус ахборот портали ўзаро интеграция қилинмаган. Бу эса кўп ҳолларда давлат харидларининг шаффофлигини савол остида қолдиряпти. Ўтган йилнинг ўзида 10 трлн. 785 млрд. сўмлик харидлар бўйича тузилган 35 мингдан зиёд шартнома тўғрисидаги маълумотлар махсус ахборот порталида жойлаштирилмаган. Электрон савдолар бўйича ҳисоб-китоб клиринг палатасида 55 млрд. сўмдан зиёд маблағ ҳаракатсиз қолган. 2018-2021 йиллар давомида бу маблағлар самарасиз тарзда махсус ҳисоб рақамларда туриб қолган.

Яна бир масала, Президентимиз ва ҳукуматнинг тегишли қарорларида давлат улуши мавжуд корхоналар дивидендлари давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган. Бироқ, таҳлилларнинг кўрсатишича, давлат улуши мавжуд бўлган 190 та корхона томонидан ўтган йилда 668 млрд. сўмдан зиёд дивиденд давлат бюджетига ундирилмаган. Солиқ кодексига мувофиқ давлат улуши мавжуд бўлган барча корхоналар дивидендларининг 5 фоизи бюджетга ўтказилиши лозимлигига қарамасдан, 2021 йилда 691 та корхонадан қарийб 57 млрд. сўм дивиденд бюджетга тушмаган.

Ўрганишлар натижасида аниқланган бошқа масала республика бюджети ҳисобидан 2021 йилда Молия вазирлиги томонидан иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маҳаллий бюджетларга 4 трлн. 622 млрд. сўмдан зиёд қўшимча маблағ ажратилганидир. Ҳисоб палатасининг хулосасига кўра, республика бўйича иш ҳақига ажратилган маблағларнинг 331,4 млрд. сўми Молия вазирлигининг розилиги асосида бошқа мақсадларга сарфланган.

Бюджет кодексининг маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг қарорлари асосида фойдаланиш талабига Наманган, Фарғона ва Жиззах вилоятларида риоя этилмаган. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги 32 та туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларида нотўғри шакллантирилган қўшимча даромад манбалари ҳисобидан 10 млрд. 425 млн. сўмлик харажатлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти солиқ идоралари томонидан маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ва ундириладиган солиқ объектлари бўйича 46,3 млрд. сўм қўшимча даромад жалб қилиш имконияти мавжуд бўлса-да, 10,2 млрд. сўмга, жорий йил биринчи чорагида эса 4,6 млрд. сўм жалб қилиш имконияти бўла туриб, бюджетга 1,0 млрд. сўмга кам маблағ ундирилган. Худди шундай ҳолат Наманган вилоятида ҳам кузатилди. Хусусан, вилоятда 2021 йилда 48,3 млрд. сўм қўшимча даромад жалб қилиш имконияти мавжуд, аммо 14,1 млрд. сўмга, жорий йил биринчи чорагида 21,6 млрд. сўм жалб қилиш шароити бўлса-да, бюджетга 12,0 млрд. сўмга кам маблағ ундирилган. Ўтган йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан 15,7 млрд. сўми бошқарув органлари (ҳокимият, молия, солиқ ва бошқа) ходимларига ҳар ойлик устама ва рағбатлантириш шаклида тўлаб берилган, 16 та ҳолатда жами 3,7 млрд. сўмлик маблағ маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилмаган ташкилотларга йўналтирилган. Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи 142 та ташкилотдан 129 тасида жами 25 млрд. сўмлик молиявий хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Шундан қарийб 12 млрд. сўми камомад ва ўзлаштиришлардир. Маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш ўрнига қўшимча манбалардан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Шу каби барча хато ва камчиликлар ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар Сенат қарорида тўлиқ акс эттирилди. Бу мазкур масала парламентнинг, шу жумладан, жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг доимий назорати остида бўлишини, ўрганишлар бундан буён ҳам изчилик билан давом эттирилишини билдиради.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар**
**масалалари қўмитаси раиси.**

# ЭКСПОРТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА?

**Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, маҳаллий корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, кейинги йилларда бу борада катта ишлар амалга оширилди, илғор халқаро тажриба асосида экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги институт ва механизмлар жорий қилинди.**

Аммо, қўмитамиз томонидан олиб борилган ўрганишлар бу масалада айрим тизимли муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Шу сабабли ўтган йилнинг декабрь ойида экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳукуматга парламент сўрови юборилган эди. Куни кеча бўлиб ўтган йигирма саккизинчи ялпи мажлисда мазкур сўров натижалари атрофлича кўриб чиқилди.

Берилган жавобда қайд этилишича, сўровда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилган. Биринчидан, республикамиз ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг айримлари қабул қилинган. Жорий йилнинг 6 апрелидаги “Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ маҳаллий корхоналарга юқори қўшилган қиймати маҳсулотларни Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизигача миқдорини, қўшни давлатларга экспорт қилинганда эса 50 фоизгача миқдорини компенсация қилиш учун субсидиялар тақдим этиш белгиланган. Шунингдек, мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро даражада аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш тизими йўлга қўйилган. Бу эса табиийки экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бундан ташқари, инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини комплекс тизимлаштириш бўйича Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда Инветиция ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилган.

Иккинчидан, экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва уни диверсификациялашга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар, хусусан, 2026 йилга қадар экспорт ҳажмларини 30 млрд. долларга етказиш мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва Президентимизнинг ўтган йил декабрдаги қарори билан тасдиқланган. Маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича ҳукумат комиссияси томонидан 2022-2026 йилларда белгиланган экспорт мақсадли кўрсаткичларининг ҳар бир тармоқда йилма-йил ижросини таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Учинчидан, экспорт билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 36 та корхонага жами 30,4 млн. долларлик молиявий кўмак ресурслари ажратилган. Тўртинчидан, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш ҳамда сертификатлаш имкониятига эга халқаро даражада аккредитациядан ўтган миллий лабораторияларни очиш йўналишида умумий қиймати 14,3 млн. евро бўлган замонавий асбоб-ускуналар, тегишли лаборатория воситалари харид қилиниб, бунинг ҳисобига жойларда 12 та янги синов лабораторияси ташкил этилган, 9 та лаборатория модернизация қилинган ва 16 та ҳудудий лабораторияда логистика хизматлари йўлга қўйилган. Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги узилишлар ва тўхташларнинг олдини олиш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилган. Масалан, жорий йилнинг январь ойида ушбу тизим Давлат божхона қўмитаси серверларидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ўрнатилган замонавий ва тезкор серверларга ўтказилиши таъминланган. Тизим узилишларсиз ишлашини назорат қилиш учун 24 соатлик иш режими ташкил қилинган.



Аммо, парламент сўровида акс эттирилган айрим масалалар ҳамон ўз ечимини кутаётганини, соҳада қатор камчиликлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, тақдим этилган ахборотда экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилаётгани ҳамда бунга тегишли молиявий ресурслар ажратилаётгани маълум қилинган. Бироқ, экспорт қилувчи корхоналар томонидан чет элларда савдо уйларини очиш ва сақлаш, реклама фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплашга қаратилган экспортчиларни қўллаб-қувватловчи механизмлардан фойдаланиш кўрсаткичи пастлигича қолмоқда. Бу борада Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ахборот-ташвиқот ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ҳозирги кунга қадар бу йўналишдаги имтиёзлардан бор йўғи 10 га яқин экспортчи корхона фойдаланган, холос. Республикамиз ҳудудларидаги экспортчиларни мазкур йўналишдаги молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари билан яқиндан таништириш юзасидан тарғибот жараёни талаб даражасида ташкиллаштирилмаган. Шунингдек, сўровга кўра, экспортни суғурта қилиш ҳажмлари, уни соддалаштириш ва янги шаклларини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилган. Аммо, республикамизда суғурта хизматлари халқаро стандартларга жавоб бермаслиги, банк ва суғурта хизматлари бир-бирига мувофиқлаштирилмаганлиги, тижорат ва сиёсий хавфлардан суғурталанган экспорт шартномалари банклар томонидан гаров сифатида қабул қилинишининг йўлга қўйилмаганлиги ҳамда айрим ҳолатларда кредит таъминотининг етарли бўлмай қолиши экспортчилар учун бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Аниқроғи, тижорат банкларининг бу борадаги шартлари экспортчилар учун ўта ноқулай. Экспортолди молиялаштириш учун ажратилган ресурс маблағлари фақатгина айланма маблағларни тўлдириш учун кредит сифатида ажратилган бўлиб, факторинг, форфейтинг каби молиялаштириш воситалари бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган амалдаги шартлар экспортчилар учун жозибадор эмаслиги сабабли улардан фойдаланиш даражаси паст. Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тизими Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалда самарали йўлга қўйилмаганлиги экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умуман, парламент сўрови бўйича юборилган ҳукумат жавоби ўрганилиб, таҳлил қилинганда унда белгиланган айрим муҳим жиҳатлар етарлича қамраб олинмаганини кўриш мумкин. Ваҳоланки, сўровдан асосий мақсад экспортни давр талабига мос равишда ривожлантиришдан иборат. Шунинг учун Сенат қарори билан тегишли вазирлик ва идоралар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди. Экспорт қилувчи корхоналар томонидан чет элларда савдо уйларини очиш ва сақлаш, реклама фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплашга қаратилган экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари тўғрисида тадбиркорлар билан жойларда учрашувлар ташкил этиш, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларни текшириш ва сертификатлаш имкониятига эга халқаро даражадаги (хусусан, Европа Иттифоқи стандартларига тўғри келадиган) аккредитациядан ўтган миллий лабораторияларни очиш бўйича ишларни янада жадаллаштириш шулар жумласидандир. Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан экспортчи мижозларга экспортолди молиялаштиришда факторинг, форфейтинг каби савдони молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, тижорат банкларида экспортолди молиялаштириш бўйича кредитлар ажратилиши ҳамда факторинг, форфейтинг каби савдони молиялаштириш воситаларидан фойдаланишда сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурталанган экспорт шартномаларини гаров таъминоти сифатида қабул қилиш чораларини кўриш, ҚҚС суммасини қайтаришда юзага келган муаммоларни ўрганиб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳам кўрсатиб ўтилди.

**Равшан АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Халқаро муносабатлар, ташқи**
**иқтисодий алоқалар,**
**хорижий инвестициялар ва туризм**
**масалалари қўмитаси раиси.**

# Пойтахтимизда 735 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди

**Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.**

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотига кўра, рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2022 йил 1 июнь ҳолатига кўра 8700 тани ташкил этиб, улардан 8400 ёки 97,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 0,9 мингтага ёки 12,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Шуни айтиш лозимки, 2022 йилнинг январ – май ойларида 735 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

**Феруза ХУЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳар статистика**
**бошқармаси Ахборот хизмати ходими.**

BIZNES DAILY
# Биржа
#54(2937) 14.07.2022

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 01.06.2022 йилдаги 4-1001-2220/14471-рақамли ажримига асосан **"Arslon plastik" МЧЖ**га нисбатан банкротлик иши кўзғатилиб, кузатув жорий этилди. Мувақкат бошқарувчи этиб Турсунбоев Нодиржон Набижонович тайинланди. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 15.08.2022 йил соат 11.00 да Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 66-уй (АТБ "Тенге банк" биноси)да ўтказилишини маълум қиламан. Барча кредиторлар 1 (бир) ой давомида 90-260-09-73 телефон рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Қароздор жамиятга нисбатан санация ёки ташқи бошқарув жорий қилиш.
2. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш очиш.
3. Санация қилувчи, ташқи ёки тугатиш бошқарувчи номзодини тасдиқлаш.
4. Қарздор жамият кредиторлар реестрини 15.08.2022 йил кунига тасдиқлаш.
5. Мувақкат бошқарувчининг иш ҳақини белгилаш.

Кредиторларни рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа қолганда тугатилади.

Йиғилишга келганлар ўзлари билан шахсларини ҳамда қарздорликни асословчи ҳужжат билан қатнашишлари талаб этилади.

---

Термиз туманлараро иқтисодий судининг 04.07.2022 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан "Drem max KT", "Moxir usta-termiz", "Xalol chorvachi", "Zamon nte-servis" МЧЖларга нисбатан банкротлик таомили сифатида кузатув жорий этилган ҳамда мазкур жамиятлар мувақкат бошқарувчиси этиб Ш.Сатторов тайинланган.

Шу муносабат билан мазкур жамиятлар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2022 йил 15 август куни соат 10.00 да "Асакабанк" АЖ Термиз филиали биноси (Манзил: Термиз шаҳри, Коший кўчаси, 2-уй)да бўлиб ўтади.

**Кредиторларнинг биринчи йиғилишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:**

1. Суд бошқарувчининг банкротликнинг кузатув таомилида қилинган ишлари юзасидан берган ҳисоботи.
2. Қарздорга нисбатан банкротлик таомилини қўллаш юзасидан иқтисодий судига мурожаат этиш тўғрисидаги овоз бериш бюллетини.
3. Суд бошқарувчисига хизмат вазифасини бажарганлик учун иш ҳақи миқдори ва тартибини белгилаш.
4. Банкротликнинг кейинги таомилига суд бошқарувчиси номзодини белгилаш.
5. Бошқа ҳар хил масалалар кредитор ва муассис талабига кўра.

Ҳамда Термиз туманлараро иқтисодий судининг 15.05.2022 йилдаги ажримларига асосан "Janub eksport", "The best investing trage", "Road signs trade" МЧЖлари Ўзбекистон Республикаси "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган соддалаштириш тартибда банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Корхоналарнинг суд бошқарувчиси Ш.Сатторов тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши 2022 йил 14 август куни соат 11.00 да Термиз шаҳри, М.Қошқарий кўчаси, 36-а уйда бўлиб ўтади, йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатини тасдиқловчи ҳужжат билан қатнашиш талаб этилади.

Банкрот деб эътироф этилган жамиятнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ва бурчак тамға эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Ушбу жамият кредиторларининг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

**Мурожаат учун тел.:** 88-845-88-28, 97-533-91-68.

---

**Кредиторам**

## ИП ООО «Epsilon Development Compani»!

Уведомляем вас, что повторное первое собрание кредиторов ИП ООО «Epsilon Development Compani» состоится 19.07.2022 г. в 15-00 в офисе ООО «Transgazinjiniring» по адресу: г. Ташкент, М.Улугбекский район, проспект М.Улугбека, д. 32А, ориентир – М.Улугбек. ОВИР.

**Повестка дня:**

1. Рассмотрение и утверждение плана санации и графика погашения кредиторской задолженности, представленного ИП ООО «Epsilon Development Compani».
2. Разное.

Для участия в голосовании необходимо иметь доверенность и документ, удостоверяющий личность на право представлять интересы кредитора.

Контактный телефон: 90-992-12-41.

Требования кредиторов направляются кредиторами в Экономический суд, должнику и временному управляющему с приложением судебного акта или иных документов, подтверждающих обоснованность этих требований.

---

**Махсуслашган экспертиза ташкилотлар диққатига!**

Қарздор **"Issi international" МЧЖ** (СТИР 300473124) мол-мулкларини баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш бўйича танлов эълон қилади. Танловда қатнашиш учун билдирилган таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар билан танишиш ҳамда талаблар билдириш учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй.

**Мурожаат учун тел.:** 97-705-57-45, 95-788-43-13.

---

## ЧЭИИ "Toshkentvino kombinati" АЖ

**акциядорлари диққатига!**

Чет эл инвестицияси иштирокидаги "Тошкентвино комбинати" акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2022 йил 13 июлдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 5 август куни, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳкўчаси, 9-уй да жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 15.00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестри 2022 йил 13 июль ҳолатига тузилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Умумий йиғилиш регламентини ҳамда саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини белгилаш.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2022 йил 1 август ҳолатига кўра тузилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 5 август куни соат 14.00 да бошланади.

Акциядорлар паспорт ёки акциядорлар вакиллари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

**Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳкўчаси, 9-уй.

**Электрон почта манзил:** tashvino@mail.ru

**Телефон:** 71-205-54-45.

---

## ХИИ "Kogon Yog'-ekstraksiya zavodi" акциядорлик жамияти

**акциядорлари диққатига!**

Ҳурматли акциядор! ХИИ "Kogon Yog'-ekstraksiya zavodi" АЖ кузатув кенгашининг 2022 йил 4 июлдаги қарорига асосан, 2022 йил 30 июль куни соат 11.00 да, жамиятнинг маъмурий биносида (Бухоро вилояти, Когон шаҳри, А.Темур кўчаси, 5-а манзилида) жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2022 йил 26 июль ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 30 июль куни соат 10.00 да бошланиб соат 10.50 гача давом этади.

**Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Бош директорининг 2021 йил бизнес-режасининг асосий кўрсаткичларини бажарилиши ва жамият ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ташқи аудиторининг хулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
7. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва корпоратив бошқарув Кодекс тавсияларига риоя қилинишининг 2021 йил якунлари бўйича мустақил баҳолашнинг натижалари юзасидан ҳисоботини эшитиш.
8. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарари ҳисоблари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд тўлаш тартибини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "Ижроия органи - Бош директори тўғрисида"ги, "Рағбатлантириш тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши ҳузуридаги коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши ҳузуридаги стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида"ги ва "Кузатув кенгаши ҳузуридаги тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида"ги Низомларни янги таҳрирда тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
14. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
15. Жамият тафтиш комиссиясини тугатиш.

Умумий йиғилишда акциядорлар паспортлари, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончномалари орқали қатнашишлари талаб этилади.

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:** Бухоро вилояти, Когон шаҳри, А.Темур кўчаси, 5-а уй.

**E-mail:** kogonyog@mail.ru

**Тел.:** 65-522-24-03.

**"Когон ёғ-экстракция заводи"АЖ кузатув кенгаши.**

---

**Хабарнома**

Когон туманлараро иқтисодий судининг 20.06.2022 йилдаги 4-2002-2101/1134-рақамли ажримига асосан **"Neftegazuskunamontaj" унитар корхона** (СТИР 205046843)да санация қилувчи бошқарувчи этиб 1-тоифали суд бошқарувчи Хабибов Адиз Саидович тайинланди.

**Мурожаат учун манзили:** Қоровулбозор тумани, Имом Бухорий МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 25-уй.

**Санация қилувчи бошқарувчи Хабибов Адиз Саидович тел.:** 94-548-70-20.

---

Сурхондарё вилояти Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 июлдаги 4-1904-2201/967-рақамли ҳал қилув қарорига асосан Шеробод туманидан "**New building trade center**" **МЧЖ** (СТИР 307 282 998)га нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган тартибида тўловга қобилиятсиз деб ва тугатишга доир иш юритиш бошланган деб эътироф этилиб, тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Аликулов Абдулла Мусирович тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши қарздорлар учун 2022 йил 5 август куни соат 10.00 да Шеробод тумани ДСИ биносида ўтказилиши белгиланган.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тузиш.
3. Қарздорни тугатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва бошқа масалалар.

Кредиторлар қарздорларга бўлган ўз талабларини эълон чиққан санадан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида тугатиш бошқарувчисига қуйидаги манзилга тақдим қилишлари керак.

**Мурожаат учун манзил:** Шеробод тумани, Хужги маҳалласи, Р.Хамраев кўчаси, 4-уй.

Маълумот учун телефон: 99-97-351-73-37. Тугатиш бошқарувчиси А.Аликулов. Кредитор вакили шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг думалоқ муҳри, штампи тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддатда тақдим этилиши шарт.

**Тақдим этилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.**

---

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 30.06.2022 йилдаги 4-1301-2203/1789-ҳал қилув қарори билан "Ягона ойна маркази" ДУК (207135533), 4-1301-2203/1790-ҳал қилув қарори билан "Otbjshlaog" (лойиҳани амалга ошириш гуруҳи) ДУК (207153155), 24.06.2022 йилдаги 4-1301-2211/1574-ҳал қилув қарори билан "Maxorat mega Jizzax" МЧЖ (308341306), 4-1301-2211/1573-ҳал қилув қарори билан "Улкан баркамол қурилиш" МЧЖ (301641673) ва 13.05.2022 йилдаги 4-1301-2203/1248-ҳал қилув қарори билан "Djizzakh maximum trading" МЧЖ (307611982), 4-1301-2203/1247-ҳал қилув қарори билан "Ал-тайир" ХСИЧФ (204046274), 4-1301-2203/1245-ҳал қилув қарори билан "Expo legendary" МЧЖ (307556157)лар тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш очилган. Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Порсахонов Ҳаким Исмоилович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, 1-уй манзилида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 19.08.2022 йилда соат 11.00 да Жиззах шаҳар ДСИ маъмурий биносида ўтказилади.

**Манзил:** Жиззах шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 1-уй. **Тел.:** 91-592-12-28.

Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган муҳрлар ва тўртбурчакли тамғалари тугатиш (суд) бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор ҳисобланди.

# “O‘zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyati

**boshqaruv raisi lavozimiga nomzodlarni tanlov asosida saralab olish bo‘yicha tanlovda ishtirok etishga taklif qiladi!**

“O‘zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyatining rahbarlik lavozimlariga konkurs asosida saralab olish to‘g‘risidagi reglamentiga asosan **“O‘zbekgeofizika aksiyadorlik jamiyatining Boshqaruv raisi”** lavozimiga tanlovini e‘lon qilinadi.

Tanlovda ishtirok etish uchun O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari, shuningdek ushbu tanlovida ishtirok etish istagini bildirgan xorijiy davlatlarning fuqarolari taklif etiladi.

**Nomzodga qo‘yiladigan talablar:**

– oliy texnik yoki muhandislik-iqtisodiy ma‘lumotga ega bo‘lishi;

– neft va gaz geologiyasi tarmog‘ida mutaxassisligi bo‘yicha 10 yildan kam bo‘lmagan ish staji, rahbar lavozimlarida kamida 5 yillik ish tajribasiga ega bolishi;

– MS Office-ishonch bilan foydalanish;

– mehnatni tashkil qilishning bozor iqtisodiyotiga asoslangan ilg‘or shakllarini bilish, ishlab chiqarish quvvatlaridan samarali foydalanish;

– jamiyat Kuzatuv kengashi a‘zolari yoki boshqaruv organi rahbarlari va a‘zolari bilan har qanday qarindoshlik aloqalarning bo‘lmasligi;

– iqtisodiy va yoki boshqaruv sohasida jinoyatlar uchun so‘ndirilmagan sudlanganlik, shu jumladan chet elga chiqishni cheklashga taqiq mavjud emasligi.

**Tillarni bilishi:**

Rezidentlar uchun: o‘zbek va rus tillarini mukammal bilishi, ingliz va nemis tillari maqullanadi;

Norezidentlar uchun: rus tilini mukammal bilishi, o‘zbek, ingliz va nemis tillari ma‘qullanadi.

**Xizmat vazifalari:**

Aksiyadorlik jamiyati joriy faoliyatini samarali boshqarish, bir maromda, barqaror va daromadli faoliyat yuritishini ta‘minlash.

Biznes-rejalar va rivojlantirish dasturlarini ishlab chiqishni boshqarish, ularning qat‘iy bajarilishini tashkil etish va nazorat qilish.

Aksiyadorlik jamiyatining moliyaviy-iqtisodiy holatini yaxshilash, shartnomaviy majburiyatlarini bajarilishini ta‘minlash choralarini ko‘rish.

Aksiyadorlik jamiyatning rivojlantirishi va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, shuningdek, ijtimoiy sohani rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan miqdorda foyda olishni ta‘minlash:

– xodimlar uchun ijtimoiy kafolatlar va xavfsiz mehnat sharoitlar yaratishni ta‘minlash;

– amaldagi qonunchilik talablari, hukumat farmonlari va qarorlari, shuningdek, jamiyat ichki me‘yoriy hujjatlariga rioya qilish.

**Mehnat sharoitlari:**

Ish vaqti: 5/2, soat 8.00 dan 17.00 gacha. Doimiy ish.

O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksiga muvofiq rasmiylashtiriladi.

Ish haqi: shtat jadvali bilan belgilangan oylik ish haqi va jamiyatning ichki hujjatlari va bozor mexanizmlariga muvofiq to‘lovlar (mukofotlar).

**Tanlovda ishtirok etish uchun hujjatlarni topshirish tartibi:**

Lavozimga talabgor bo‘lgan nomzodlarning hujjatlari (pasport nusxasi, rezyume yoki ma‘lumotnoma, diplomlar va guvohnomalar nusxalari, tavsiyanomalar, mehnat daftarchasi nusxasi) “O‘zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyatining xodimlarni boshqarish, tayyorlash va qayta tayyorlash bo‘limi tomonidan qabul qilinadi.

Nomzodlar hujjatlarni va/yoki ularning nusxalarini qog‘oz va elektron shaklda taqdim etilishi lozim.

Hujjatlarni qabul qilish muddati: 2022 yil 15 avgust soat 16.00 ga qadar.

Tanlov bo‘yicha qo‘shimcha ma‘lumotlar uchun ishtirokchilar 71-264-84-88 telefon raqami orqali bog‘lanishlari mumkin.

Nomzodlar “O‘zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyatining rahbarlik lavozimlariga tanlov asosida saralab olish tog‘risidagi reglament bilan jamiyatning rasmiy veb-sayti (http://uzbekgeofizika.uz) orqali tanishishlari mumkin.

---

На основании решения областного суда г. Ташкента от 17 июня 2022 г. по делу №4-11-2232/16 **ООО «Rizqli ozuuqa yem tayyorlov»** (ИНН 305183465) признано банкротом. Судебным управляющим назначена Боянская Т.В. Обращения принимаются в течение одного месяца по адресу: 100047, г. Ташкент, 22 Авиагородок, а/я 1091, тел. 97-744-91-28.

---

